

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
21 апрель
ШАНБА

№ 32 (13085)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ФУҚАРОЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАМДА ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚУРИЛГАН ТУРАРЖОЙЛАРГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ БЎЙИЧА БИР МАРТАЛИК УМУМДАВЛАТ АКЦИЯСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда аҳолига, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида муносиб уй-жой шароитларини яратишга қаратилган кенг қўламли давлат дастурлари амалга оширилди.

Хусусан, 2009-2017 йиллар давомида 81 992 та уй қурилди, 6 624 та уй-жой массиви барпо этилди, зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари ўтказилиши таъминланди. 2016 йилдан қишлоқ аҳолиси учун янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилишини назарда тутувчи сифат жиҳатидан янги давлат дастури амалга оширилмоқда. 2017 йилнинг ўзига қишлоқ жойларида 18 мингдан ортиқ қулай шарт-шароит-

га эга бўлган уйлар барпо этилди. Шунингдек, фуқароларнинг қонунийликда мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида ажратилган ер участкаларида яқка тартибда уй-жой қуриш ҳуқуқи кафолатланган.

Шу билан бирга, ер тузиш ва кадастр органлари томонидан ўтказилган республика кўчмас мулк фонднинг ялпи хатлови яқка тартибда уй-жой қуриш соҳасида, айниқса, қишлоқ жойларида қонунийликни таъминлаш масалаларида тизимли хатолар ва жиддий камчиликларга йўл қўйилганлигини кўрсатди.

Давоми 2-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК ВА ШАҲАРСОЗЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ДОИМИЙ ФЙДАЛАНИШГА БЕРИШ ТАРТИБИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ерлардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектларни мақбул жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ер участкаларини бериш тартиб-таомиллари ношаффоф ва бюрократиялаштирилган бўлиб қолмоқда, бу эса тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳудудларнинг замонавий меъморий қиёфасини яратишда ерлардан самарали фойдаланишга тўқтинлик қилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига келиб тушаётган ер участкаларини беришдаги ҳуқуқбузарликлар ёки уларни асоссиз олиб қўйиш билан боғлиқ кўплаб мурожаатлар ер участкаларини беришнинг танлов тартиби лозим даражада

йўлга қўйилмаганлигини кўрсатмоқда.

Ваколатли органлар фаолиятида ер участкаларини бериш бўйича материалларни кўриб чиқиш ва келишишда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан тўлиқ ҳажмда фойдаланиш таъминланмапти, бу эса рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштириш муддатларининг чўзилишига ва бюрократик тўсиқларга сабаб бўлмоқда.

Кўпчилик аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режалари ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари мавжуд эмаслиги, эскирган ва замонавий талабларга жавоб бермайдиган шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари комплекс қуриш талабларига риоя этилмаслигига ва аҳоли пунктларининг меъморий қиёфаси ёмонлашуви-га олиб келмоқда.

Давоми 2-бетда ➡

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг таклифи билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 2018 йил 23-24 апрель кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Аънавий дўстлик ва ўзаро ишонч муҳитида ўтадиган икки томонлама учрашулар ва олий даражадаги музокараларда кўп қиррали Ўзбекистон – Туркменистон муносабатларини ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилиниши режалаштирилган.

Ташриф дастурида давлат раҳбарларининг Тошкент шаҳридаги Ашхобод паркиннинг очилиш маросимида иштирок этиши кўзда тутилган. Ушбу маскан мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларининг ёрқин рамзларидан бирига айланиши кутилмоқда. Шунингдек, чегарадош Хоразм вилоятига ташриф ҳам режалаштирилган. Ташриф доирасида Ўзбекистон ва Туркменистон етакчи иқтисодий тузилмаларининг бизнес-форуми бўлиб ўтади.

Музокаралар якуни бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, таълим ва спорт соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни янада мустақамлашга қаратилган салмоқли ҳужжатлар тўплами имзола-ниши кутилмоқда.

ОБОДЛИК ОСМОҚДАН ТУШМАЙДИ

у аввало, ўзимизга, ҳаракат ва
ҳафсаламизга боғлиқ

Олмалиқ шахрининг чекка ҳудудида жойлашган Абдулла Қодирий номли маҳаллани одамлар "Қорақия" деб ҳам аташади. Бугун қорақиялик отахон-у онахонлар, ёшлар, ҳаттоки болаларнинг-да орзулари ушалмоқда. Нимага дейсизми?

Давлат дастури — амалда

Ушбу маҳаллада йиллар давомида кўплаб масалалар тўпланиб қолган, уларни ечишга катта куч, маблағ зарур эди. Масалан, маҳалланинг ярим аҳолиси ичимлик сувини бир неча чақиримдан ташиб инади. Мактабгача таълим муассасаси, дорихона, тиббиёт пункти, алоқа тармоғи, равон йўллар ҳақида ўйлаш ёзнинг жазирасида қорни орзу қилишдек гап бўлиб қолганди...

"Обод қишлоқ" дастури доирасида Абдулла Қодирий номли маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам кенг қўламли ишлар бошлаб юборилди. Хусусан, маҳалладаги 355 та яқка тартибдаги уй-жойнинг бир қисмида таъмирлаш, бўяш ишлари якунланди.

Давоми 2-бетда ➡

САВДО ЧОРРАҲАСИНИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

Зангиота туманидаги логистика марказини Буюк Ипак йўлида жойлашган савдо-иқтисодий соҳалар бўйича Шарқ ва Европани боғловчи кўприк, деб таърифлаш мумкин.

Имконият



Кўп тармоқли марказ Германия, Франция, Россия ва бошқа ривожланган давлатларнинг тажрибалари асосида бунёд этилди. 14,2 гектар ер майдонида қад ростлаган марказ қурилишига 40 миллион АҚШ доллари сарфланди. Натижада, 350 та иш ўрни яратилиб, бир йилда 1,2 миллион тонна юкларни қабул қилиб олиш ва жўна-тиш имконияти вужудга келди.

Асосий вазифамиз — хориждан кириб келаётган ва мамлакатимиздан чиқиб кетаётган юкларни қуриқдан ўтказиш ва расмийлаштириш, — дейди бошқарув раиси Анвар Турдалиев. — Ҳамма ишлар ортиқча сансалорликка йўл қўйилмай, бир жойда олиб борил-



сервис марказида зарурат туғилганда, машиналарни таъмирлаш мумкин.

Бу ерда ҳайдовчилар учун барча қулайликлар яратилган. 41 ўринли меҳмонхона, 220 ўринли ошхона, сартарошхона, тиббиёт, кийим-бошларни ювиш бўлинмалари ҳайдовчилар хизматида.

Айни кунда марказ кенгайтирилмоқда. 35 гектар майдонда қурилиш ишларининг иккинчи босқичи олиб борилаётир. Эндиликда, бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қабул қилиб олиш, уларни замонавий технологиялар асосида қадоқлаш ва сақлаш масканлари бунёд этилади. Тадбиркорларга янада қулайлик яратиш ва ортиқча расмийчиликларни қисқартириш мақсадида божхона бўлимларига жорий қилинган 20 дан ортиқ интерактив давлат хизматлари янада фаоллаштирилади, янги-янги электрон хизматлар жорий этилади.

Санд МУҚИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар

ЖИНОЯТ КАМАЙДИ, АММО УНИНГ БИТТАСИ ҲАМ КЎП

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимининг демократик асосларини янада чуқурлаштириш, миллий қонунийликни шакллантириш, жиноятчиликка қарши курашнинг замон талаблари даражасида олиб борилишини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофа-за қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Тарғибот ва
ташвиқот

Бутун дунёда юзага келаётган геосиёсий шароитда мамлакат, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, шубҳасиз, энг муҳим масала. Айни кун-



ларда вилоятимизда ана шу мақсадга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Чинозда

бўлиб ўтди. Унда жиноят ишлари бўйича вилоят суди мутасаддилари, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. Тад-

бирда жиноятчилик ва уларнинг профилактикаси ҳақида кенг тушунча ва маълумотлар берилди.

Давоми 4-бетда ➡

2018 йил
учун

«Тошкент ҳақиқати»
ва

«Ташкентская правда»
газеталарига

обуна

давом
этмоқда!

ИЗЛАНЎВЧАН ИШБИЛАРМОН ИХТИРОСИГА СЕРТИФИКАТ ОЛДИ

Кўп йиллардан буён қурилиш соҳасида фаолият кўрсатиб келаётган, зангиоталик муҳандис Хусан Мирзакулов бу борада изланишлар олиб борди ва илҳом натижага эришди. Унинг илғор инновацион лойиҳаси асосида яратилган замонавий иситиш қозони тегишли давлат муассасалари мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилиб, мувофиқлик сертификати эга бўлди. Янги

Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

иш газнинг тенг ярмини сарфлаб, шунча ҳажмдаги жойини исита олади. Бу эса алоҳида иситиш тизимига эга хонадонлар, соғлиқни сақлаш ёки таълим муассасалари учун камҳаржлиги билан катта қулайлик яратади. Яна бир жиҳат, одатда аънавий иситиш қозонларидаги сувни меъёрида иситиш учун газ босими юқори бўлиши талаб этилади. Натижада, кўп микдорда табиий газ йўқотилади. Техамкор иситиш қозони эса газ босимининг ўртача ёки паст даражасида ҳам бемалол сувни исита олади.

Бугунги кунда ушбу лойиҳадаги иситиш қозонларини тайёрлашга ихтисослашган қорхонада 10 нафар мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 5 нафарини ҳудуддаги касб-хунар коллежларини битирган ёшлар ташкил этаётганлиги эътиборга лойиқ. Мутахассиснинг фикрича, келгусида ҳам бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш устидаги изланишлар изчил давом эттирилади. Айни пайтда бундай русумдаги қозонлардан тўғри ва самарали фойдаланиш юзасидан қўлланма ҳам ишлаб чиқилган.

Лойиҳа муаллифи вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш хизмати кўмағида яқин йилларда янги лойиҳадаги иситиш қозонлари ишлаб чиқаришни икки баробар оширишни ва қўшни давлатларга экспорт қилишни ҳам режалаштирибди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИФУҚАРОЛАРНИ ИЖТИМОЙ КЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАМДА ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚУРИЛГАН
ТУРАРЖОЙЛАРГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ БЎЙИЧА
БИР МАРТАЛИК УМУМДАВЛАТ АКЦИЯСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Хусусан, уй-жойга эга бўлиш ва қуришнинг қонуний механизмлари мавжуд бўлишига қарамадан минглаб фуқаролар кўп йиллар давомида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида яқка тартибда уй-жойларни ноқонуний барпо этишган.

Бундай ҳолатларнинг юз беришига давлат органлари, энг аввало, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, шу жумладан, ер кадастри, архитектура ва қуриш соҳасидаги ваколатли органларнинг бепарволиги сабаб бўлди.

Фуқароларга ер участкаларини уй-жой қуриш учун муайян тўлов эвазига ноқонуний бериш юзасидан фермер ва деҳқон ҳўжаликларининг тил бириктириши бўйича кўплаб ҳолатлар мавжуд.

Натижада ушбу муаммо бугун республика бўйича оммавий тус олди ва уй-жой учун зарур ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги аҳолида бошқа ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига, хусусан, ҳақиқатда яшаб турган жойга прописка қилиниши, мулк ҳуқуқига эга бўлиш ва уни амалга ошириш имконияти мавжуд эмаслигига олиб келди.

Фуқароларнинг уй-жой мулкига қадар ҳужжатларини беришни сўраб Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига 5 мингдан ортиқ, депутатлар, сенаторлар, давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари томонидан ўтказилган сайёр қабулларда 3 мингдан зиёд муносабатлари келиб тушган.

Уй-жойга доир ҳуқуқларнинг амалга оширилиши ва аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек, фуқароларга тегишли бўлган тураржойларни давлат рўйхатидан ўтказишда кўмаклаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг фуқароларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини (кейинги ўринларда бир марталик акция деб юритилади) эълон қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 майга қадар:

а) мазкур Фармон қабул қилинган вақтга қадар қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган тураржойга (кейинги ўринларда ўзбошимчалик билан қурилган иморат деб юритилади) нисбатан мулк ҳуқуқи ушбу объектга ўз шахсий мулки каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгаллик

қилаётган шахсга қуйидаги шартлар асосида:

ушбу ер участкаси (участканинг бир қисми) унга қонун ҳужжатларига мувофиқ тураржой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашмаган бўлса;

ўзбошимчалик билан қурилган иморат шахарсозлик нормалари ва қоидалари талабларини бузмаётган бўлса, шунингдек, унинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаса ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳавф туғдирмас эътироф этилади. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилмайдиган аниқ ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

б) ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ташкил этиладиган Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича комиссиянинг тақдимномасига кўра туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан;

умумий мулк ҳуқуқи ҳақидаги фуқаролик ва оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидаларига амал қилиш шарти билан;

энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорига бир марталик йигим тўлангандан кейин амалга оширилади;

в) ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этишда мулкдорга у қурилган ер участкаси (участканинг бир қисмига) қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи берилиб, ортиқча қисми Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 121-моддасида назарда тутилган жарима солинимасдан заҳира ерларига олиб қўйилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг ижросини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди бир марталик акциянинг амал қилиш муддати тугагунга қадар:

судларга ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиб ташлаш бўйича даъво киритиш тўхтатиб турилишини, қонун ҳужжатларига асосан тураржой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашган ер участкасида (участканинг бир қисмида) қурилган объектлар бундан мустасно;

судларнинг тураржой сифатида фойдаланилаётган ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиб ташлаш тўғрисидаги қўриб чиқиладиган даъво-

лар ҳамда ижро қилинмаган қарорлари бўйича белгиланган тартибда келишув битимлари тузилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жойларда Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича комиссия фаолиятида қонунийликнинг таъминлини устидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Белгилаб қўйилсинки: ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бир марталик характерга эга ҳамда мазкур Фармоннинг 2-бандида кўрсатилган муддатдан кечиктирилмасдан амалга оширилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, бошқа ваколатли органларнинг мансабдор шахслари кейинчалик ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга йўл қўйганликларини учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ой муддатда:

бир марталик акциянинг амал қилиш муддати тугагандан кейин ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкинлиги тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини бекор қилиш-

ни;

ўзбошимчалик билан қурилган иморатлар учун жавобгарликни кучайтириш-

ни назарда тутувчи таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуровори О. Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 20 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИТАДБИРКОРЛИК ВА ШАҲАРСОЗЛИК ФАОЛИЯТИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ
ДОИМИЙ ФОЙДАЛАНИШГА БЕРИШ ТАРТИБИНИ ТУБДАН
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини бериш механизмларини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлардаги бюрократик тартиб-таомиллар ва тўсиқларни қисқартириш мақсадида:

1. 2018 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб белгилансинки, унга кўра:

юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш "Е-ІJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали амалга оширилади;

ер участкаларини бериш бўйича материалларни йиғиш, қўриб чиқиш ва ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан келишиш фақат замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қонун ҳужжатлари нормаларини ва амалиётда уларни қўллашдаги мавжуд муаммоларни танқидий таҳлил қилиш асосида юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бирхиллаштириш бўйича қарор қабул қилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойдаланишга бериладиган ер участкаларини ажратиш бўйича материалларни йиғиш ва ваколатли ташкилотлар билан келишиш тартиб-таомилларини бажариш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизimini ишлаб чиқиш ва жорий этишни, шунингдек, унинг "Е-ІJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси билан интеграция қилишни;

тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга "Е-ІJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион ўтказиш орқали берилишини ташкил этишни таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

аҳоли пунктларининг бош режалари лойиҳаларига, қишлоқ (овул) фуқаролар

йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига бўлган талабларни лойиҳаларнинг таркибини, уларни келишиш тартиби ва муддатларини соддалаштирган, шунингдек, аҳоли пунктларини ривожлантириш ва қуришни режалаштириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш нархларини пасайтирган ҳолда тубдан қайта қўриб чиқишни;

аҳоли пунктлари қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни молиялаштиришда тадбиркорлик субъектлари – давлат-хусусий шериклик иштирокчиларига батафсил режалаштириш лойиҳаларида кўрсатилган чегаралар доирасида ер участкаларини олишга устуллик ҳуқуқини тақдим қилган ҳолда давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этишни;

аҳоли пунктлари бош режаларидан, қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларидан уларнинг очик график қисмини Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари веб-сайтларида эълон қилиш орқали ҳаммамнинг фойдаланиш имкониятини таъминлашни назарда тутувчи таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Қуйидагилар: ҳисоб-китоб (смета) қиймати 2 миллиард сўм ва ундан юқори бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилишнинг манзилли рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати даражасида тасдиқлаш; қурилиш (реконструкция, капитал таъмирлаш) қиймати олдин эълон қилинган қийматидан ошган ижтимоий ва фуқаролик аҳамиятга эга объектлар бўйича ҳулосалар бериш тартиби бекор қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги "Ижтимоий ва фуқаро объектларини лойиҳалаш ва қуришда тегишли тартиб ўрнатиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1666-сон қарори ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуровори О. Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 20 апрель

◀▶ Бошланиш 1-бетда

6 та хонадон ва 2 та нотураржойни пардозлаш ҳамда 6-сонли насос станциясидаги 2 донга сув қудуғини мукаммал таъмирлаш, 2,1 км. марказий ичимлик суви қувурини реконструкция қилиш бошлаб юборилди. Ижтимоий соҳа объектларининг ташқи деворлари, биноиншоотларнинг фасади, том қисми,

тириб беришди-ку! Бизникига қачон навбат келади?" деган боқиманда кайфиятдаги гали гаши-мизни келтиргани рост. Тўғри, маҳаллий ҳокимлик ташаббуси билан боқувчисини йўқотган, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг хонадонлари ҳомийлар томонидан

дея таништирган отахоннинг уйида бўлди. Маҳалланинг шундоқ-қина кираверишида жойлашган бу уйнинг ўзига ҳам, атрофига ҳам кўп йиллардан буён эркак кишининг қўли тегмагани шундоқ билиниб турибди...

Яна бир хонадон бекаси Нодира Алимова билан суҳбатлашдик.

ОБОДЛИК ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ

у аввало, ўзимизга, ҳаракат ва ҳафсаламизга боғлиқ

ички муҳандислик тармоқлари, ёритиш чироқлари, йўл белгилари таъмирланмоқда. Йўллар, ариқларни тозалаш, замонавий болалар спорт майдонлари, автобекатлар қуриш режалаштирилган.

Мазкур юмушларни рисоладагидек амалга ошириш мақсадида маҳалладаги 355 хонадонга шаҳардаги сектор раҳбарлари, корхона-ташкilot, муассасалар мутасаддилари ҳамда фаоллар жалб этилди. Яқин кунларда маҳалла мутлақ янги қиёфада, шаҳарнинг энг обод ва кўркем ҳудудига айланиб, кўрган кўзни қуватиши, шубҳасиз.

Аммо, кези келганда айтиш жоизки, маҳалладаги айрим фуқароларнинг боқибегамлиги, лоқайдлиги дилни хира қилади. Масалан, 67-уйда яшовчи, ўзини "Буҳажар Эшмонетованинг келиниман", дея таништирган аёлнинг: "Хов, анови тепаликдаги фалончининг уйини ҳокимиятдагилар келиб, деворларини кўтариб, томларига алмаш-

эпақага келтирилмоқда. Аммо, бу барча хонадонлар таъмирлаб берилади, дегани эмас-ку! Қўл-оёғи бут, етти мучаси соғ одам ҳеч бўлмаса, ўзи яшаётган ҳовлисини обод этиб, имкониятлардан унумли фойдаланиб, хонадонига фойз бағишлаши керак эмасми? Бу гални айтган аёлнинг турмуш ўртоғи комбинатда ишлар, ўзи уй бекаси экан. Хонадондаги тахминан 4 сотихча келадиган томорқага эътибор қаратдик: ярмидан қўлини бегона ўт босиб ётибди.

Маҳалладаги бошқа хонадонларга ҳам кириб, томорқаларни кўздан кечирдик. Қузатишларимиздан маълум бўлдики, маҳалла аҳлининг аксарияти чорвачилик билан шуғулланади. Ҳар бир хонадонда йўқ деганда бир бошдан қорамол бор. Хонадонлар томорқаси 6 сотих ва ундан ҳам катта. Томорқаларнинг бирортасида ҳам иссиқхона кўрмадик. Ваҳоланки, иссиқхона – катта даромад манбаи эканини бугун ортиқча тушунириб ўтиришга ҳожат йўқ.

Ўзини "Қурбон Мавлоновман",

– Ўтган ҳафтадаёқ бепул ажратилган қурилиш ашёларидан олиб келиб, кўчамиз деворларини бир оз эпақага келтириб олдик. Мана, бу томорқага аввал қараб бўлмас эди. Сув йўқлигидан қақраб ётарди. Бу йил ҳаракат қилиб, ҳовлимизга сув чиқардик. Қўриб турганимиздек, томорқамизга помидор, бодринг, булғор қалампири экиб қўйдик.

...Шу куни шаҳар ҳокими Миръазам Мирқосимов мазкур маҳалла аҳли ва шаҳар фаоллари билан шошилинч йиғилиш ўтказаятган экан. Биз ҳам иштирок этдик. Лавҳамизни шу йиғинда шаҳар ҳокими қуюнчаллик билан таъкидлаган қуйидаги сўзлар билан ҳулосалагимиз келди: "Қарс икки қўлдан чиқади, ҳар икки томондан тенг ҳаракат қилинсагина, ишда унум бўлади. Оила боши бўлмиш отахонлар, эркаклар, саранжом-сарийшта бекалар, ўз уйимизнинг, маҳалламизнинг обод бўлиши, энг аввало, ўзимизга, бугунги ҳаракатимизга боғлиқ"...

Дилфуза РЎЗИЕВА

ҚУЛУПНАЙНИНГ ПУЛИГА ХОРАЗМГА БОРАМИЗ

Ҳадемай, иккинчи ойи ҳам яқунланадиган баҳор фаслининг айни "илик узилди" палласида инсон организмиде турли витаминларга эҳтиёж ошади.

Томорқа – хазина



Шундай пайтда истеъмолад қилинган турли микроэлементларга бой неъматлар одамга қувват бағишлайди, саломатлик учун жуда фойдали.

Сир эмас, вилотиимизда, айниқса, Зангиота, Қибрай, Ўрта Чирчиқ, Тошкент ва Янгийўл туманларида турли қўқатлар, шунингдек, қулупнай етиштириш анча ривожланган. Айни кунларда ушбу ҳудудларда яшовчи аҳоли томорқасида парваришланаётган қулупнай ҳосилини йиғиш авжида.

– Олти сотих ерга, плёнка

остиға қулупнайнинг "Виктория" ва "Чарли" навларини экканмиз, – дейди Янгийўл тумани "Нуробод" маҳалласида яшовчи Маҳбуба Пошшаева. – Бугун иккинчи теримини тугатдик. Ҳосил чўғи чакки эмас – ўттиз килограммча қулупнай тердик. Уни шу ернинг ўзида қўтарасига ўн минг сўмдан сотиб юбордик.

Томорқа шароитида хари-доригр ўсимликдан яхшигина даромад кўриш ҳадисини олган М. Пошшаева плёнка остидадан ташқари, 3-4 сотих очик ерга ҳам худди шу экиннинг касал-

ликларга чидамли, маҳаллий иклимга мос навини эккан. Апрель охирида у ҳам пишади.

– Бу йил қулупнайдан 5-6 миллион сўм атрофида соф фойда кўрамиз, деб турибмиз, – дейди Маҳбуба опа. – Энди томорқадан топлан даромадимизнинг бир қисмини саёҳатга сарфламоқчимиз. Бу йил турмуш ўртоғим билан Хоразмга боришни режалаштирдик.

Ўз муҳбири
Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат

◀▶ Бошланиш 1-бетда

Очиқ мулоқот

Тошкент давлат аграр университетидида ёш тадбиркорлар ва фермерлар фаолиятида учраётган муаммоларни ўрганиш, ёшлар орасида тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича фикр, таклиф ва мулоҳазалар таҳлилга бағишланган очиқ мулоқот ўтказилди.

ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ
ИМЗОЛАНДИ

Мулоқотда давлат солиқ, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Марказий банк виллоят бош бошкармалари, виллоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ёшлар иттифоқи ва бошқа ташкилотлар вакиллари, ёш тадбиркорлар иштирок этди.

Айтиш жоиз, ушбу тадбирдан қўзланган асосий мақсад виллоятимизда тадбиркорлик ҳамда фермерлик фаолиятини йўлга қўйган, шундай фаолиятни бошлаш истагида бўлган ёшлар ҳаётида юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишдан иборатдир.

Ўзaro эркин савол-жавоб тарзида ўтган очиқ мулоқот давомида ёш тадбиркор ва фермерлар фаолиятлари давомида дуч келадиган муаммолар юзасидан ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларига мутахассислардан атрофлича жавоб олдилар.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи виллоят кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси виллоят ҳудудий бошкармаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Бундай тадбирлар виллоятнинг барча туман ва шаҳарларида ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз

НАВҚИРОН ДИЛЛАРГА ЙЎЛ

Юқори Чирчиқдаги транспорт ва иқтисодиёт касб-хунара коллежида Ўзбекистон ХДП туман кенгаши, таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси, "Нуроний" жамғармаси, Маънавият ва маърифат маркази, "Маҳалла" жамоат фонди ҳудудий бўлиналари ҳамкорлигида "Одам савдоси – инсон эркинлигига таҳдид", "Жиноятсиз келажак сари" каби мавзуларда тадбир ташкил этилди.

Унда маҳаллий кенгаш депутатлари, партия фаоллари, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Ёшларда ёт гоёларга қарши мафкурaviй иммунитетни шакллантириш, уларни "оммавий маданият" таъсиридан асраш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиз ҳисобланади, – дейди "Нуроний" жамғармаси туман кенгаши раиси Тоҳир Норматов. – Президентимиз "Жойлардаги барча муаммоларни ҳал этишнинг асосий йўли – бу – халқ

ичига кириш, унинг дарди ва ташвишлари билан яшашидир", дея барчамизнинг зимма-зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилар. Асосийси, ёшларни жиноят кўчасига қариб қилишдан сақлаш. Одам жиноятчи бўлиб туғилмайди, уни муҳит бузади. Шунинг учун ўғил-қизларимизга соғлом муҳит яратиш берайлик. Маданий-маърифий тадбирларга кенг йўл очиб, бўш вақтларини кўнгилли ўтказишларига қўмаклашайлик.

Латифжон МАНСУРОВ

Реклама ва эълонлар

Тошкент виллоят ҳокимлигининг йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти, шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (виллоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссиясининг 2017 йил 28 апрель кунини ўтказиши белгиланган очиқ тендер савдоларига қўйилган йўналишлар рўйхати

ШМ-23 й.т.

"Дено-Металлург
кўчаси"

йўналиши қўшимча равишда қиритилганлигини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги туман (шаҳар) адлия бўлиmlарига малакали ҳуқуқшуносларни ишга таклиф қилади

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

- олий юридик маълумот;
 - давлат тилини яхши билиш (рус ёки бошқа хорижий тилларни билиш устунлик беради);
 - юклатилган вазифаларни бажара олиш, қонун ҳужжатларини амалиётга тўғри қўланишини таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиш;
 - ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш ва расмийлаштириш.
- Вазифалар:
- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини қонун ҳужжатларига ва мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги юзасидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;
 - ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
 - юридик ва жисмоний шахслар муносабатини кўриб чиқиш ва қонуний ҳал этиш;
 - давлат органлари ва ташкилотлари туман (шаҳар) бўлиmlари ҳуқуқий ишлари ҳолатини мониторинг қилиш ва ушбу ташкилотлар юридик хизмати фаолиятини методик таъминлаш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.
 - туман (шаҳар) даражасидаги давлат ташкилотларининг қонун ҳужжатларини ижро қили-

- нишини ташкил этишда методик раҳбарлиқни амалга ошириш;
- туман (шаҳар) даражасидаги давлат ташкилотларига қонун ҳужжатларини қўланиши юзасидан маслаҳат бериш;
- янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини аҳолига ва ижрочиларга тушунтириш;
- ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва норма ижодкорлиги соҳасида мониторинг ва таҳлиллар ўтказишда иштирок этиш, шунингдек, натижаларига кўра, амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаш;
- статистик маълумотларни таҳлил қилиш ва натижага бўйича таклифлар тайёрлаш;
- Ойлик иш ҳақи, ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қуйидаги чоралар ва тўловлар таъминланади:
- ойлик иш ҳақи – мутахассислар учун 2,2 млн. сўмдан, туман (шаҳар) бўлиml бошлиғига 3 млн. сўмдан бошланади, кейинчалик ушбу ойлик иш ҳақига мартаба даражалари ва кўп йиллик хизмати учун қўшимчалар (бундан ташқари, мукофот пули,

- моддий ёрдам ва бошқалар) қўшиб борилади;
- адлия органлари ходимларига бериладиган махсус унвон – мартаба даражалари берилади;
- туман бўлиmlари бошлиқлари хизмат автомашинаси билан таъминланади;
- ходимларнинг озик-овқат харажатларини қисман қоплаш учун ҳар ойлик компенсация тўлови (энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида);
- Меҳнат кодексига белгиланган 6 та байрам ва 4 та чорак янқуларни бўйича ойлик иш ҳақи фонди миқдорида мукофот пуллари;
- ходим таътилга чиққанда икки ойлик иш ҳақи фонди миқдорида моддий ёрдам пули;
- ходимга оилавий шароитига кўра ижтимоий муҳофаза қилиш тарзидаги пул маблағи (энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида);

Танловда иштирок этиш истагини билдирган номзодлар 2018 йил 1 май кунига қадар ўз шахсий варақаларини tosh_vil@minjust.gov.uz электрон почтасига ёки Тошкент виллоят адлия бошкармаси кадрлар бўлиmlига (тел: 280-51-05) юборишлари лозим. Маълумотномада номзоднинг яшаш манзили ва телефон рақамлари ҳам акс эттирилиши керак.

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориши шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Дархан" МФЙ ҳудудида фаолият юритаётган "Qibray Agroinvest" фермер хўжалигига тегишли 153 ва 127-контурларда қисман жойлашган жами 2,89 Га., шундан, 2,09 Га. ер майдонидаги "Бозор", бошланғич баҳоси – 35 471 815 сўм.

Зангиота тумани бўйича очиқ аукцион савдолари 2018 йил 22 май кунини соат 15.00 да Зангиота тумани ҳокимлиги биносидида бўлиб ўтади. Мазкур объектлар сотилмаса, такрорий аукцион савдоси 2018 йилнинг 7 июнь, 22 июнь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Қибрай тумани бўйича очиқ аукцион савдолари 2018 йил 22 май кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уй манзилида бўлиб ўтади. Мазкур объектлар сотилмаса, такрорий аукцион савдоси 2018 йилнинг 7 июнь, 22 июнь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган объектларни жойига бориб кўрсатиш талабгор хисобидан сотувчининг вакили томонидан амалга оширилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги қелишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги ҳисоб рақами: 20208000804876496001, МФО 01101, ИНН 301743808 га тўлашлари лозим. Шунингдек, риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабгорларга кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатилади ҳамда энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида шартномалар тўлилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

- юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома;
- жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.
- ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, расмий иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уй, 2-қаватда қабул қилинадиган ва савдодан бир кун олдин соат 18.00 да, такрорий савдолар учун савдодан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Қўшимча маълумотларни realtor@service@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.


Хизматлар лицензияланган
RR – № 0008.

Ҳаракат хавфсизлиги

Президентимизнинг "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан виллоят ИИБ ЙХХ бошкармаси томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш бўйича аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишга қаратилган "Диққат, болалар!" ва "Диққат, пиёда!" профилактик тадбирлари ўтказилди.

Ушбу тадбирлар доирасида серкатнов йўллар яқинидаги таълим муассасалари, пиёдалар кўп ҳаракатланадиган жойларда профилактик суҳбатлар ташкил этилиб, ўқувчи-ёшлар ва аҳолига йўл қоидалари тўғрисида батафсил маълумотлар берилди. Шу билан бир қаторда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаган 180 нафар пиёдага нисбатан тегишли тартибда маъмурий баённомалар расмийлаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, виллоятимиздаги автомагистралларда ҳаракат

ТЕЗЛИКНИ ЭМАС,
ЭЪТИБОРНИ ОШИРАЙЛИК!

хавфсизлигини таъминлаш мақсадида замонавий технологиялардан кенг фойдаланилмоқда.

Виллоят ИИБ ЙХХ бошкармаси матбуот хизматидан маълум қилишларича, халқро аҳамиятга эга бўлган А 373 "Тошкент – Ўш" автомобиль йўлининг 142-километри – "Қорахитой" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида автоматлашган фоторадар ишга тушди.

Бу фоторадар ёрдамида тезликни меъёридан оширган ҳай-

довчилар расман аниқланмоқда. Уларга қонунчиликда белгиланган тартибда қарор чиқарилиб, яшаш манзилига юборилади.

Йўл ҳаракати қоидасини бузган ҳайдовчиларни аниқлашга мўлжалланган, автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари виллоятнинг бошқа асосий йўллари ҳамда шаҳар ва туманларида босқичма-босқич ўрнатилди.

Ўз мухбиримиз

ОЛОВ БЕПАРВОЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИ

Бугунги кунда турмушимизни газ, электрсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин уларнинг замирида олов хавфи яширинганини бир дам ҳам унутмаслигимиз керак.

Агар огоҳ сен...

Олов билан уйғун ҳаётимиз биздан доим ҳушёр бўлишни талаб этади. Оддий бир мисол: болаларнинг гуғурт билан ўйнашлари оқибатида ёнғин келиб чиқиши мумкин. Қаранг, озгина эътиборсизлик катта офатга сабабчи бўлади. Қолаверса, ҳар бир уй соҳиби ва соҳибаси рўзгор юмушларини бажаришда электр асбобларининг фақат соғломлигини, тўғри фойдаланишга одатланишлари лозим. Бунинг учун озгина кунт қилинса ки-

фоя. Уйингиз ҳам, кўнглингиз ҳам тинч бўлади. Электр асбоб-анжомларидан фойдаланиб бўлгандан сўнг, тармоқдан узишни асло унутмаслик, уйдан чиқаётганда эса, газ асбоблари ва электр қироқларини, албатта, ўчириш лозим. Хонада газ ҳиди сезилса, уқун берувчи воситаларни ёқиш асло мумкин эмас. Электр асбобларнинг ортиқча қизиб кетиш ҳолатлари ҳам ёнғин содир бўлишига олиб келади. Хонадонларда электр тармоғига бир вақтнинг

ўзида бир неча ток қабул қилувчи воситалар улаш жуда хавфли. Ошхонада қозондаги ёнғин доғ қилаётганда назоратсиз қолдириш ҳам аянчли ҳолатларга олиб келиши мумкин. Ёқиб қўйилган электр-иситич асбобларини, телевизор, даямол ва плиталарни қаровсиз қолдирманг. Асло ностандарт электр иситичлардан фойдаланманг. Ёниб турган газ плитаси устида кир қуришти, бензин қўшиб кир ювиш қучли ёнғин чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Одатда тандирхона ва ошхона биналари хавфсиз, очиқ жойда қурилган маъқул. Уй тоғларида ҳар хил ёнғинчи бўйумлар, иккиламчи уй-рўзгор жиҳозларини сақлаб бўлмайди. Табиий газни резина шланглар орқали улаш хавфли. Айниқса, тунда газни ёнғин қолдириш ярамайди. Чунки, тунда газ босими ортиб, бахтсиз ҳодиса содир бўлиши мумкин.

Оловга нисбатан жиддий муносабатда бўлайлик. Ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидалари, меъёрий талабларига тўла ва аниқ амал қилсак, ҳеч қачон хавф-хатарга йўлиқмаймиз.

Жамшидбек
МАЖНУНОВ,
Тошкент виллоят
ИИБ ЁХБ
МИБ бўлими
бошлиғи

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориши шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

1. Тошкент виллоят, Қибрай тумани, "Қибрай ОАЗИС" СИУ ҳудудида фаолият юритаётган "TAJIBAYEVA MEXRINISO AGRO" фермер хўжалигига тегишли жами 2,77 Га., шундан 2,58 Га. ер майдонида жойлашган "Ўзумзор", бошланғич баҳоси – 9 289 484 сўм;
2. Тошкент виллоят, Қибрай тумани, "Қибрай ОАЗИС" СИУ ҳудудида фаолият юритаётган "QIBRAY-DAVRON MAXMUDOVICH" фермер хўжалигига тегишли жами 3,50 Га., шундан 3,30 Га. ер майдонида жойлашган "Ўзумзор", бошланғич баҳоси – 9 289 484 сўм;
3. Тошкент виллоят, Қибрай тумани, "Қибрай ОАЗИС" СИУ ҳудудида фаолият юритаётган "QIBRAY-MAXKAMOV ULUGBEK" фермер хўжалигига тегишли жами 5,68 Га., шундан 4,18 Га. ер майдонида жойлашган "Ўзумзор", бошланғич баҳоси – 12 000 000 сўм;
4. Тошкент виллоят, Қибрай тумани, "Қибрай ОАЗИС" СИУ ҳудудида фаолият юритаётган "QIBRAY-ABDURAXMANOV SARDOR" фермер хўжалигига тегишли жами 2,49 Га., шундан 2,42 Га. ер майдонида жойлашган "Бозор", бошланғич баҳоси – 2 506 267 сўм;
5. Тошкент виллоят, Қибрай тумани, "Қибрай ОАЗИС" СИУ ҳудудида фаолият юритаётган "QIBRAY-FORUM" фермер хўжалигига тегишли жами 2,36 Га., шундан 2,20 Га. ер майдонида жойлашган "Ўзумзор", бошланғич баҳоси – 8 515 360 сўм.

Очиқ аукцион савдоси 2018 йил 22 май кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уй манзилида бўлиб ўтади. Мазкур объектлар сотилмаса, такрорий аукцион савдоси 2018 йилнинг 7 июнь, 22 июнь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган объектларни жойига бориб кўрсатиш талабгор хисобидан сотувчининг вакили томонидан амалга оширилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги қелишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги ҳисоб рақами: 20208000804876496001, МФО 01101, ИНН 301743808 га тўлашлари лозим. Шунингдек, риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабгорларга кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатилади ҳамда энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида шартномалар тўлилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

- юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома;
- жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уй, 2-қаватда қабул қилинадиган ва савдодан бир кун олдин соат 18.00 да, такрорий савдолар учун савдодан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Қўшимча маълумотларни realtor@service@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган RR – № 0008.

«ИМОН, ЭЪТИҚОД ИЛА ВАТАНИНГНИ СЕВ, БАРОТ, ИНСОН ЗАР, ДУНЁ БИЛАН БАХТЛИ БЎЛОЛМАС ЭМИШ...»

Бугун мамлакатимизда миллий адабиётимиз ривожини янги босқичга кўтариш бўйича мисли кўрилмаган, қўлмалли ишлар олиб борилаётганини барчамиз кўриб, ҳис этиб турибмиз.

Эътиром

Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқиндагина эълон қилинган "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" - ги Қарори маънавий-маданий ҳаётимизда жуда катта воқеа бўлди. Зотан, бу тарихий қадам адабиёт ихлоосмандлари қатори бутун халқимиз томонидан қизғин кутиб олинди. Халқимизнинг мумтоз фарзанди, буюк Ўлпон ҳазратлари "Адабиёт яшаса - миллат яшайди", деганда минг қарра ҳақ бўлганларини бугунги глобаллашув давридаги мафкуравий курашлар бот-бот исботлаб турибди.

Оқорида тилга олинган қарорда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамият тараққиёти учун бекиёс аҳамиятга эга бўлган машаққатли ижодий меҳнатини муносиб қадрлаш, адабиёт ва санъат соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш, бадиий ижод аҳлининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш борасида кўплаб чора-тадбирлар белгиланган-ки, бугун жойларда адабиётимизнинг атоқли намоёндаларига кўрсатилаётган алоҳида ҳурмат, эътиром шу йўна-



корлигида уюштирилган издиҳомда таниқли шоир ва ёзувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари, ижодкор ёшлар ҳамда санъаткорлар жамулам бўлдилар.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, вилоят ҳокими ўринбосарлари Баҳодир Аҳмедов, Озода Парпиева, адабиётшунос



Э.ИМОН, Э.ЭЪТИҚОД, Э.ИЛА, Э.ВАТАНИНГНИ, Э.СЕВ, Э.БАРОТ, Э.ИНСОН ЗАР, Э.ДУНЁ БИЛАН Э.БАХТЛИ Э.БЎЛОЛМАС Э.ЭМИШ...

ри билан машхур, - дейди Сирожиддин Саййид. - Улар иштирок этган давраларда эзгулик, меҳр-муҳаббат, садоқат туйғулари уфуриб туради. Бугунги ноз ва наво кечаси катта истеъдод ва юксак гражданлик позициясига эга бўлган кекса авлод вакиллари-нинг ижодий салоҳияти ва маҳоратидан ёшларни кенг баҳраманд этишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Ўзбекистон халқ артистлари Хайрулла Лутфуллаев, Ортиқ Отажонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ойбек Ҳамроқулов, Тошпўлат Матқаримов, Хилола Самиеваларнинг шоир шеърлари билан айтиладиган кўшиқлари тadbирга алоҳида фойз бағишлади.

Сайёра РИХСИЕВА, Тошкент ҳақиқати мухбири Қобилжон ҒОҒУРОВ олган суратлар

ЮРП ҚАДРИ

Дарбадар кезмаса ким юрт қадрин билмас эмиш, Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас эмиш.

Тома-тома кўл бўлур деганлари рост экан, То умрбод уқмаса ким ақли ҳам тўлмас эмиш.

Ватан тупроғига бош қўймагунча хаста ҳам, Ҳаётдан умид узмай - жон таслим қилмас эмиш.

Сидқи дил заҳмат бирла бахт томон очмасанг йўл, Ўзгалар соясинда толейинг қулмас эмиш.

Мушкулни четлаб, чўчиб, осонни кўзлама ҳеч, Эл ишидан қочса ким обрўйи қолмас эмиш.

Манманлар кўкка салчиб, шунчалик кетар тубан, То даққи емагунча ўзига келмас эмиш.

Имон-эътиқод ила Ватанингни сева, Барот. Инсон зар, дунё билан бахтиёр ўлмас эмиш.

НАСТАРИН

Боғимда настарин бор, Гуллайди ҳар илк баҳор.

Настарин гули майда, Бундай гули бордир қайда?

Ҳар шохи бир гулдаста, Атрига дил пайваста.

Жимжимадор гуллари, Уйнашар боғ еллари.

Настарин гул қўлимда, Қўлимдамас кўнглимда.

Боғимда настарин бор, Гуллайди ҳар илк баҳор.

БОЙЧИБОРИМ, ҚАЙДА ҚОЛДИНГ?

Олис йўлим яқин этган, Ўру қирда бирдек йўртган, Эсиз кетган, изсиз

Бойчиборим, қайда қолдинг?

Фиротим, қайга йўқолдинг?

Жайхуну Сайхунни кечиб,

Қимтиганда қушдек учиб, Сувлик тишлаб, уйнаб, салчиб, Бойчиборим, қайда қолдинг?

Фиротим, қайга йўқолдинг?

Алломишинг кутар бедор, Авазхон ҳам яёв, ночор, Наҳот туёғингда мих бор!

Бойчиборим, қайда қолдинг? Фиротим, қайга йўқолдинг?

Бирор номард бердимни панд, Е бегона эдими банд, Оғох айла, кишна баланд, Бойчиборим, қайда қолдинг? Фиротим, қайга йўқолдинг?

Уловим йўқ, кўзим йўлда, Эгар-абзал, юган қўлда, Барот отсиз, армон дилда, Бойчиборим, қайда қолдинг? Фиротим, қайга йўқолдинг?

Барот ИСРОИЛ

Она юрт манзиллари

Бўстонлик туманидаги "Оқтош" санаторийида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳомийлигида бунёд этилган олтинчи ўринли янги даволаш биноси аҳолига хизмат қилмоқда.

«ОҚТОШ» ҲАВОСИ - ЙЎҚДОР БАҲОСИ

Таъкидлаш жоизки, ушбу муассасада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш борасида тизимли ишлар олиб боришмоқда. Катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари натижасида барча замонавий қулайликларга эга бўлган янги ётоқ бинолари ва оилавий коттеждарга ҳам қўллаб-қувватлаш дами олиб, самарали даволашни қилмоқда.

Жорий йилда сикатгоҳда музкий фаввора ва бассейн барпо этилиб, ҳудуд ландшафтига янада кўрк берувчи ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Шу боис, муассасага нафақат юрдошларимиз, балки хорижликларнинг ҳам қизиқиши ортмоқда. Бу эса юртимиз тиббий туризми ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Янги бинодаги муолажа, даволаш ва ётоқ хоналари тиббий асбоб-ускуналар, замонавий мебель жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди. Эндиликда сикатгоҳ бир вақтнинг ўзига 432 кишига хизмат кўрсатади. Бу қўшимча 12 янги иш ўрни яратиш имконини берди.

"Оқтош" санаторийида ҳар йили 10 мингга яқин киши ўз саломатлигини тиклайди. Миждозлар ЭКГ, спирометрия, УТТ, клиник ва биохимия лабораториясида мутахассислар кўригидан ўтишган, аниқ таъхис қўйлади. Шундан сўнг физиотерапия, лазеротерапия, ингаляция, тузми суний ванналар, укалш каби турли даволаш муолажалари тавсия этилади. Санаторийда асосий даволаш мезони шифобахш климат билан боғлиқ бўлгани боис, эрта тонгда тоғ йўли бўйлаб пиёда кўтарилиш муолажаси, айниқса, самаралидир. Дам олувчилар 1500 метр баландликка кўтарилишади.

Энди ушбу масканда даволашнинг халқаро стандартларига мос янги усуллари, хусусан, ароматерапия орқали нафас олиш аъзолари касалликлари билан хасталанган болаларни соғломлаштиришда ёғли мавсумда очик сув ҳавзасида жисмоний машғулотлар ўтказиш режалаштирилмоқда.

Янги корпус очилиши муносабати билан тумандаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 20 нафар фуқарога мазкур муассасада саломатликларини тиклашлари учун бепул йўланмалар берилди.

Ўз мухбиримиз

«Чанги»нинг чанги ҳам тиллога тенг

Яна ҳафта якуни. Шанба келишини кутиб, ҳар куннинг ҳисобини тақвим бўйлаб кузатиб бораман. Талабалик бахтига муяссар бўлганим сабаб, ота-онам, акам ва жажжи жияларимнинг меҳри нафасини соғинаман. Айниқса, ўзинг туғилиб камолга етган гўшангнинг мусаллоҳ ҳавосидан тўйиб нафас олишга нима етсин!

Қишлоқдан мактублар

Шанба кунги дарслар тугагач, уйга ошиқаман. Паркентга кетадиган машиналар қаторлашиб турганини кўрсам, дилимда қувонч қалқиб, улар томонга шошиламан. Машина ойнасидан атрофга боқиб кетар эканман, юртимизнинг гў-

заллиги, янги-янги биноларнинг қад ростлашини кўриб, шундай жаннатмонанд диёрда туғилганимга шукрона келтираман. "Паркент" деб ёзилган йўл белгиси гўё менга, "Уйингга хуш келисан!" дегўнгандек туюлади...



Паркентимиздаман... Қишлоғимизда нима янгиликлар, қандай хушхабарлар эшитаман, нималарни кўраман, деган ҳис-туйғу қалбимни чулғаб олади. Тоza, хушбўй ҳаводан димоғимни тўлдириб нафас оламан. "Юртимни шундай баҳаво, жуда гўзал қилиб қўйганинг учун, Ўзингга шуқр, яратган Эгам!" дейман. Бозор оралаб, расталарда турган меваларни кўриб, азиз ва соҳибкор бободехқонларимизнинг меҳнатларига тасанно айтаман. Жиянларимга ширинликлар, мевалардан сотиб олган эканман, излари офтобдек қулиб турган сотувчи опага миннатдорчилик билдираман. Маҳалламга ошиқаман.

Тоғ оралаб кетган йўлларга нигоҳимни тикиб борар эканман, "Чанги", "Хисарак", "Қумушкон" деган йўл белгилари уйим томон етаклаб бораётгандек тую-

лади. Аслида ҳам шундай. "Нуробод" маҳалласи, "Физика-Кўёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қумушкон тарафга қараб кетаверамиз. Машина ўнг томонга кескин бурилгач, катта кўприк остида ўтаётган сойга, унинг тоғлар бағридан салому саловатлар олиб келаётган жўшқин сувига боқиб ўтаман. Нақадар гўзал, нақадар чиройли гўша! Паркентнинг бағрида, жаннатмонанд диёрнинг бир четига юз очиб турибди, Чанги қишлоғим! Бу қишлоқда қанчадан-қанча олимлар, зиёлилар, шифокор-у илмсевар одамлар камол топган. "Бу - менинг юртим, менинг Паркентим, менинг қишлоғим!" дея фахр туйғусини баралла ошкор этган.

Хумора ЙЎЛДОШЕВА, Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика институти талабаси

Пайшанба - жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кун

ЖИНОЯТ КАМАЙДИ, АММО УНИНГ БИТТАСИ ҲАМ КЎП

Сир эмас, дунёда диний-экстремистик гуруҳлар томонидан содир этилаётган турли хунрезликлар одамни ташвишлантиради. Ана шундай диний гуруҳлар таъсирига айрим юрдошларимизнинг тушиб қолаётганликлари ачинарилади.

Статистик маълумотларга кўра, вилоятимизда 2016-2017 йилларда шундай жиноятлар билан судланганлик ҳолати 101 нафар шахсга ёки 56,7 фоизга, жиноят ҳолатлари эса 73 тага ёки 29,1 фоизга камайган.

Учрашувда бундай тоифадаги жиноятлар соғлом жамиятга жиддий ҳавф солиши, халқимиз, миллатимизга ёт, динимизнинг соф тамойилларига мулҳоқ зид экани таъкидланди. Маърузаларда ҳаётий мисол ва ишончли далилларга таянилди. Ёшларимизни бу каби зарарли гўялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, ўз Ватани, дини, миллатига қарши қайрайдиган ғараз ниятли кимсалардан муҳофазалашга қаратилган ишларни янада кучайтириш зарурлиги айтиб ўтилди.

К. АТАХАНОВ, Жиноят ишлари бўйича вилоят суди бош мутахассиси

Бир давлатда жиноятчиға ўлим жазоси тайинланбди. Унга ҳукм ижро этилишидан аввал сўнгги сўз берилибди. Маҳкум ўзига тикилиб турган одамларга, мухбирларга қараб: "Биласизми, агар мен болалигимда ҳозиргидек эътибор кўрганимда эди, жиноятчи курсисиди ўтирмаган бўлар эдим", деган экан.

Дарҳақиқат, ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайдми. Ташқи ва ички омиллар сабаб, киши баъзан билиб, баъзида эса билмай жиноятга қўл уради. Энг ёмони, бу жиноят кимнингдир умрига зомин бўлиши ҳам мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилишича, ўтган йилнинг 10 ойида ёшларнинг 22 минг нафари жиноятга қўл урган. Ачинарлиси, академик лицей ва касб-хуна қоллежлари ўқувчилари томонидан 875 та, мактаб ўқувчилари иштиро-

ФАХРИЁР... АЙБДОР

кида эса 310 та оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилган.

Хўш, ёшларнинг жиноят қилишига сабаб нима? Бунга ким айбдор? Ёшлар жиноятга қўл урмасликлари учун нима қилиш керак?

Янгийўл туманидаги хизмат кўрсатиш касб-хуна қоллежиди бўлиб ўтган йиғилишда шу каби саволларга жавоб изланди. Шунингдек, коллеж ўқувчиси Фахриёр Муродов (исм-шарифи ўзгартрилган) содир этган жиноят хусусида сўз борди.

Муҳокамада туман прокуратораси, ички ишлар бўлими, таълим муассасалари раҳбарлари, маҳалла фаоллари, ота-оналар, ўқувчилар иштирок этди.

Айрим ёшларимизнинг қилган ҳатолари бошқаларига сабоқ бўлиши, улар ўзларига тегишли хулоса чиқа-

ришлари учун бундай муҳокама қилишга ўтказаямиз, - дейди Янгийўл тумани ички ишлар бўлими хузуридаги тергов бўлинимаси бошлиғи Жаҳонгир Остонов. - Қолаверса, бу фарзанд тарбияси-га бефарқ ота-оналар учун ҳам айтиш мумкин бўлапти. Тўғри-да, бола тарбиясини ўзибўларчиликка ташлаб бўлмайди. Бунда оила, таълим муассасаси, маҳалла, шу билан бирга ички ишлар идоралари ўртасида ҳамкорлик, доимий алоқа бўлиши керак.

Йиғилишда айтилганидек, мазкур коллеж ўқувчиси Фахриёр Муродов билан муассаса дурадгор ўртасида келиб чиққан можаро фожиали яқун топан - бир беғуноҳ йигит ҳаётдан бевақф қўз юмган.

Ўқувчи-ёшларнинг жиноятга мойиллиги айтиб ба-лоғат даврида қулайиш мумкин, - дейди психолог Камо-

ла Шакарова. - Албатта, бу уларнинг оилавий ҳолати билан ҳам боғлиқ. Ота-она-сидан етарлича меҳр-эътибор кўрмаган бола мактаб ёки коллежда шахс сифатида танилишни истайди. Қолаверса, меъридан ортиқ танқиди, "Қўлингдан бир иш келмайди", қабилидаги гаплар ҳам болага салбий таъсир қилиши исботланган. Оилада соғлом муҳит яратилсагина бола меҳрли, виждонли, ростғўй, ҳалол бўлиб улғаяди.

Коллежда содир бўлган ушбу воқеа ҳақида батафсил тўхталиб, кимнидир оқламоқчи ёки қораламоқчи эмасмиз. Шиддат билан ўтиб бораётган глобаллашув жараёнида фарзанд тарбиясида эътиборли бўлиш кераклигини яна бир бор таъкидламоқчимиз, холос.

Ирода НОРБЕКОВА, Тошкент ҳақиқати мухбири



Бир кун лочин товукқа дебди:

- Эй товук, сен бевафо ва аҳдингда турмайдиган бадфеъл паррандасан.

Товук сўради: - Мендан қандай бевафолик содир бўлди?

Лочин деди: - Бевафоллигинг аломати шуки, одамлар сенга кўп яхшиликлар қиладилар. Уйлариди дунёга келасан, сув ва донларини еб катта бўласан, яна сени ит ва қушлардан асрайдилар. Лекин, қачонки сени тутмоқчи бўлсалар, томдан-тоғга қочасан ва нола қиласан, тузларининг ҳақини оқламайсан, вали-

неъматингдан кўрқасан. Мен эса ваҳший қушман. Лекин, агар бир-икки кун улар билан улфат бўлсам, қўлларидан таом есам, тузларини оқлайман. Уларга ов қилиб бераман. Узоққа кетган бўлсам, қақирсалар, учиб келаман.

Товук деди: - Гапинг рост. Сенинг учиб келишинг ва менинг қочишимнинг боиси бор, сен ҳеч қачон лочиннинг сикига тортилганини кўрган-мисан?

("Қалила ва Димна"дан.)